

## “Trimble S3” электрон тахеометрда геодезик дала тақдиқот ишлари !!!

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ўқув илмий маркази ҳудудида экинларни жойлашиш харитасини тузиш ва сувни ўзи оқар тизимга ўтказиш имкониятлари геодезик усулларни аниқлаш ва ўқув илмий марказининг янги амалдаги жойлашувини аниқлаш мақсадида 2018.01.26 куни геодезик дала тақдиқот ишлари олиб борилди. Унга кўра замонавий “Trimble S3” маркали электрон тахеометрда топографик съёмка ишлари бажарилди. Дала тақдиқот ишларида факультетимизнинг профессор ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари иштирок этишди, жумладан: Абдурахмонов С, Инамов А, Жураев А, 3 курс 5 гуруҳ талабаси Мамадалиев Зухриддин, 2 курс 7 гуруҳ талабаси Собиров Ислонбек.



**“Ердан фойдаланиш ва Ер кадастри” факултети 106-гуруҳ мураббийи Жураев А.Ю  
маълумоти**